

## МЕВАЛИ БОҒЛАРДА ТОМЧИЛАБ СУГОРИШ ТЕХНИКАСИ

UDK:631.452/582

*Ходжаева Нодира Одиловна*

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти асистенти**

*Собиров Зайнобиддин Абдулхамид ўғли*

*Абдуганиев Жамиибек Бахтиёржон ўғли*

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти**

**талабалари**

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада ёш боғларни сугоришда сувни бевосита дарахтлар илдизлари энг кўп жойлашган тупроқ қатламига етказиб беришга асосланган ресурстежамкор сугориш усули тўғрисидаги изланишлар натижалари ёритилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мевали боғларни сугоришда ресурстежамкор усуллар орқали сугориш ишлари олиб борилганида самарадорлик нафақат сувни тежаш балки сугориш пайтидаги меҳнат самарадорлигини ошишига олиб келди. Бундан ташқари мевали боғларни ресурстежамкор усуллар орқали парвариш қилинаётган мевали боғлар хосилдорлигини ошириш билан бир қаторда сув ва бошқа ресурсларидан фойдаланиш унумдорлигини яхшилашга эришилди.

**Калит сўзлар:** Мевали боғларда томчилаб сугориш техникаси, майдонлар, унимдорлиги паст тупроклар, хосилдорлик.

**Кириш:** бугунги кунда Республика бўйлаб сувдан мақсадли ва аниқ режа асосида фойдаланиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бунинг сабаби кузатилётган сув тақчиллигини олдини олиш ва кам сув сарфлаб юқори хосил олишdir. Мухтарам биринчи президентимиз томонидан сувдан фойдаланиш тўғрисидаги конуннинг имзоланиши сўнги 20 йилги хамда президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан қишлоқ хўжалигини 2030 йилга қадар ривожлантириш тўғрисидаги конуннинг имзоланиши, Ёшлар ва инновацион қишлоқ хўжалиги хафталиги доирасида сувдан аниқ режа асосида фойдаланиш, уни исроф қиласлик, ортиқча сув сарфини олдини олиш бўйича бир қанча топришиклар бериб ўтди. Ушбу буйруқларни ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда

нафақат далаларимизни жумладан боғ ва токзорларимизни хам янгича сув энергия ва ресурстежамкор усулларда сугориш ишлари олиб борилмоқда десак асло муболага бўлмайди.

Томчилатиб сугориш- сувни маҳсус қувурлар ёрдамида ўсимликларнинг илдизлари атрофига маълум меъёрларда томизиб сугориш. Томчилатиш учун қувурларда маҳсус томизгичлар — микроғовак деворлар ёки маҳсус тешикчалар қилинади. Сув сарфи, одатда, соатига 4—5 л атрофида бўлади. Сув билан бирга эритилган ўғит ва пестицидлар бериш ҳам мумкин. Суғориш қувурлари орасидаги масофа ўсимликларнинг қатор оралари ўлчамига боғлик бўлиб, 0,8 м дан (дала экинлари учун) 6 м гача (боғлар учун) ўзгариши мумкин..

**Адабиётлар шархи:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон қарорига қарайдиган бўлсак хақиқатда хам бугунги кунда томчилаб сугориш билан бир қаторда суғоришнинг бошқа хиллари кўлланилмоқда ва молиялаштирилган. Ушбу қарорда томчилаб суғориш устувор ерлар сифатида :

Вегетация даврида сув ресурслари ўртача кўп йил тақчил бўлган суғориладиган ер участкаларида, шунингдек суғориш сувини юқорига кўтаришда катта харажатлар қилинадиган машина билан суғориладиган ерларда;

Боғлар, узумзорлар, сабзавот-полиз маҳсулотлари ва бошқа юқори рентабелли экинлар учун ажратилган ер участкалари;

Иrrигация эрозиясига учраган кучли нишабли ер участкалари;

Шўрланмаган ва кам шўрланган енгил тупроқли текис ер участкалари танлаб олинган.

2 <https://east-fruit.com> сайтида эълон қилинган мақолга қарайдиган бўлсак бунда **БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) инвестицион департаменти иқтисодчиси Андрий Ярмак** куйидаги фикрларни айтиб ўтади: “Ўзбекистон худудида боғлар ханузгача эскича усуlda суғорилиб келинмоқда. Бунинг оқибатида бу минтаقا вактлар

келиши билан чучук сувсиз колиши кутиляпти” Бу муаммонинг ечими сифатида шуни кўрсатиб ўтиладики минтақада суғоришнинг янгича замон талабларига жавоб берадиган янги ресурс тежамкор усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

**З.А.С.Маматов Томчилаб сугориш тизими номли муаллифлик китобида ёзишича Истроил ,Япония ва шу каби давлатларда бугунги кунда томчилаб сугориш ишлари анча ривожланган ва ўзини амалда оқлаган .**



*1.2-расм – Истроил технологияси асосида томчилатиб сугорилаётган олма боғи (2009 й.)*

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Сув ресурслари тежамкорлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда тажриба технологиясида атмосфера ёғинларидан самарали фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ташкил этилган боғнинг қатор оралари атмосфера ёғинларини мевали кўчатлар атрофида тўпланишини таъминлаш учун бир оз кўтарилади. Яъни,  $5\text{--}10^0$  қия ҳолатга келтирилади. Ушбу қия юзага плёнка ётқизиш эса атмосфера ёғинларини кўчатлар атрофида янада самарали тўпланишга имкон беради ва тупроқ остида табиий намликни оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари плёнкалар тупроқдан намликни буғланишига тўсқинлик қилиб, уни узоқ вақт сақланиб қолишига сабаб бўлади. Бу эса мевали боғни суғоришлар сонини камайтириб, кўп миқдорда сувни

тежаб қолинишига эришилади.

Ҳисоб-китобларга қўра, 2015 йилда Ўзбекистон бўйича умумий сув танқислиги 3 км<sup>3</sup> ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб 7 км<sup>3</sup>, 2050 йилга қадар эса 11-13 км<sup>3</sup> га етиши мумкин. Сўнгги йилларда Орол денгизи ҳавзасидаги сув камайган йиллар тобора кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилга қадар ҳар 6-8 йилда сув тақчил йиллар такрорланган бўлса, охирги вактларда эса ҳар 3-4 йилда кузатилмоқда. Бундан ташқари, ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши туфайли қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш меъёри 2030 йилга бориб 5 % га, 2050 йилга бориб 7-10 % гача ортиши тахмин қилинмоқда. Мевали боғларни томчилаб суғорища асосан дараҳтларнинг сувга бўлган талаби инобатга олиниши шарт. Боғларни суғорища суғориш режимига қатъий амал қилган холда дараҳтларнинг ости қисми (ёш нихоллар учун) 5 см қатлам қисми қуриши билан сув бериш мақсадга мувофиқдир. Ўрта ёки катта ёшли дараҳтларнинг илдиз тизими яхши ривожланиб кетганлиги сабабли сувни камроқ талаб қилсада лекин мумтазам суғориш тавсия этилади. Бундан ташқари томчилаб суғориш орқали биз боғ мева экинлари учун хам бериладиган ўғит ва озиқ элементларини бериш имконияти ортади. Томчилаб суғорилганда экиннинг илдиз қатламида доимий бир хил намлик мухити шакллантирилиб, экин учун керакли вактда сув ва озиқ моддаларни олиш имконияти яратилади. Бундай шароитда ўсимлик ўзининг барча қувватини ривожланишга, мол хосил тўплашга йўналтиради. Натижада хосилдорлик боғ ва токзорларда 40 % гача ортади, яъни экинни суғориш учун сув сарфи аввалгидан камайган бўлишига қарамай хосилдорлик ортади. Томчилаб суғорилганда хосилдорлик аввалидан 10-15 кун олдин пишиб этилади.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар орқали, сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш муҳим эканлигини англаб олиш қийин эмас. Сув муаммосини инобатга олган холда ҳар бир деҳқон-фермер ва ердан фойдаланувчиларга мевали боғлар ва кўп йиллик дараҳтларда суғориш жараёнида янги сув ва ресурс тежамкор усуллардан фойдаланган холда суғориш ишларини амалга ошириш зарурдир. Бугунги сув тақчиллиги юзага келётган даврдан сувдан режали хамда мақсадли фойдаланиш. суғориш ишларини тўғри ташкил этиш ва

бог қатор оралари , қишлоқ хўжалиги экинларининг хар қандай турида сув ва ресурс тежамкор усуллар орқали махсулот етиштириш замон талабига айланиб бормоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. ЎРҚ- Сув ва сувдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида 1993 йил 6 май 837 X

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қонуни

3 <https://east-fruit.com> БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) инвестицион департаменти иқтисодчиси Андрий Ярмакнинг нутқи

### 4 С.А.Маматов Томчилик сугориш тизимлари - Тошкент 2012й

5 Asamovich K. B., Rustamjonovich K. M. Organization of gardens without irrigation on the adyrs of the northeastern part of the Fergana valley //European science review. – 2018. – Т. 1. – №. 11-12. – С. 7- 10.

6. Kamalov B. A., Abdurakhmanov S. T., Koriev M. R. Possibility of crop in arid conditions without irrigation //European applied sciences. – 2015. – Т.

7. Koriev M. R. Assessment of the opportunities of the organization of dry horticulture on the adyr zones by mulching //ZENITH International Journal of Multidisciplinary Research. – 2019. – Т. 9. – №. 8. – С. 27-33.

8. Авлакулов М., Аликулов Г.Н. Повышение эффективности использования земель, подверженных засолению. //Новый университет. №11-12 (45-46), г. Йошкар-Ола, 2015 г. 17-20с.

9. Турғунов М. М. Мирзачўл воҳаси сугориладиган тупроқлари хоссаларини лазерли текислаш таъсирида ўзгариши //Автореферат дисс. к. х. ф. ф. д.(PhD)- Тошкент. – 2019. – Т. 46.

10. Турғунов М. М., Курвантаев Р. Влияние лазерной планировки на степень засоления сероземно-луговой почвы мирзачульского оазиса //Актуальные

- проблемы современной науки. – 2019. – №. 2. – С. 146-151.
11. www.water.gov.uz – O'zbekiston Respublikasi Suv Xo'jaligi Vazirligining rasmiy internet sayti. <http://www.water.gov.uz/posts/1545735855/233021> йил 3 - майдаги № 9 - сонли йиғилиш қарори
12. ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР илмий-амалий журнали № 3 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4058-2023-3>
- 13 ШНҚ 2.06.03-12. “Суғориш тизимлари. Лойиҳалаш нормалари”. ЎзР Давархитектқурилиш. Тошкент, 2012 й.
14. agro-olam.uz